



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 22-noyabr. Payshanba • 138 (31.570) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Фракция ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлиги



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШДА

партия депутатлик гуруҳларининг масъулияти оширилмоқда

ЎзДХП дастурий мақсадларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, жисмоний имконияти чекланган кишилар, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳамда вақтинча ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари зиммасига долзарб вазифалар юклатилган. ЎзДХП сирдарё вилоят кенгашида ҳам бу борада амалий ишлар қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



ОБУНА — 2013

Қобил МИРНИҒМАТОВ,
Мирзо Улугбек тумани, «Дархон» маҳалласидаги
худудий партия ташкилоти етакчиси:

— БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИМИЗ ИШНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА КУЧАЙТИРИШ, АЪЗОЛАРИНИНГ ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ БИЛИМИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА «ЎЗБЕКISTON OVOZI» ГАЗЕТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН МАҚОЛАЛАРДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗА ҲАМДА ТАВСИЯЛАР ҚЎЛ КЕЛАЁТИР.

2013 йил учун ҳам «ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ОБУНА БЎЛДИК!

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

ҚАРШИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ШАҲАРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

«ЎЗИНИНГ УЗОҚ ВА БОЙ ЎТМИШИ ДАВОМИДА ГОҲ НЕКШАПА, ГОҲ НАХШАБ, КЕЙИНЧАЛИК НАСАФ ДЕГАН НОМЛАР БИЛАН АТАЛГАН КЎҲНА ҚАРШИ ШАҲРИ ТАРИХИ ВА БАШАРИЯТ УЧУН АВВАЛО, БЕТАКРОР ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА МАДАНИЯТ БЕШИГИ СИФАТИДА КЎП-КЎП УЛУҒ СИЙМОЛАР, БУЮК МУТАФАККИР ЗОТЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАРИНИНГ ВАТАНИ СИФАТИДА ҚАДРЛИ ВА МУКАРРАМДИР».

Қарши шаҳридаги Одина жоме-масжидида «Ўзликни англаш маркази» ташкил қилинган. Бу ерда биз шаҳардаги 22-мактабнинг олий тоифали тил-адабиёт фани ўқитувчиси Кумушбиби Эргашевани учратдик.

— Қарши ёшлар шаҳри. Фарзандларимиз ўз шаҳарларининг ўтми-ши, келгуси истиқболи билан фахрланишади, — дейди у.

Айни пайтда шаҳардаги 46 мактабда 38 минг, 16 та коллеж ва 5 та академик лицейда 24 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Қарши давлат университети, Муҳандислик иқтисодиёт институти, Тошкент ахборот-технологиялар


университети филиалида минглаб иқтидорли ёшлар пухта билим олишмоқда.

Кумушбиби муаллимнинг шогирди Севара 8-синф ўқувчиси. Келажакда у устози сингари ўқитувчи бўлишни орзу қилади. Бу истеъдод соҳиби «Ассалом, мактабим» мавзусида ёзган иншоосида ўз орзуларини куйидагича баён этган.

Карвон занжирида мен битта халққа,
Нима бера олдим элимга, халққа.
Эй кўнгил, уйғон, бир жўшиб балқ-да
Биз ҳали ошмаган давонлар қанча...

— Менинг иншом Республика кўрик-танловида 1-ўринга лойиқ топилди, — дейди Севара. — Ҳозир «Шаҳрим-фаҳрим» мавзусида иншо ёзиш учун тайёргарлик кўраяман.

(Давоми 3-бетда.)



Спорт

КЕЧА ЛОНДОНДА, БУГУН ТОШКЕНТДА...

Рустам Қосимжонов илк учрашувда Гата Камский (АҚШ)га қарши ўйнайди

Бугун пойтахтимиздаги Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида FIDE Гран при мусобақалари иккинчи босқич учрашувлари бошланади. Дастлабки босқич ўйинлари Лондонда бўлиб ўтган эди.

Кеча Ёшлар ижод саройида FIDE президенти Кирсан Илюмжинов ва 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир охирида мусобақанинг дастлабки кунда куч синашадиган жуфтликлар номи эълон қилинди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов илк турда Гата Камский (АҚШ)га қарши донна сурадиган бўлди. Шохмочимиз қора донларда ўйнайди.

Қолган жуфтликларда эса куйидаги гроссмейстерлар ўзаро баҳс юритишади:

Петер Лeko (Венгрия) — Александр Морозевич (Россия);
Леньер Домингес Перес (Куба) — Хао Ванг (Хитой);
Фабiano Каруана (Италия) — Шахрияр Мамедъяров (Озарбойжон);
Борис Гельфанд (Исроил) — Петр Свидлер (Россия);
Руслан Пономарев (Украина) — Сергей Карякин (Россия).

Самандор БОБОРАЖАБОВ → 4



«ПАХТАКОР» — ЧЕМПИОН!

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари якунланди. Ўз майдонида «Бухоро» футболчиларини йирик — 4:1 ҳисобида мағлуб этган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси тўққизинчи бор мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Эслашиб ўтаем, «Пахтакор» охириги марта 2007 йилда чемпион бўлганди. Утган вақт мобайнида «Бунёдкор» кетма-кет тўрт марта мамлакатимизнинг энг кучли жамоаси сифатида тан олинди. Бу йил бунёдкорчиларнинг ўйинида пасайиш кузатилди ва улар кумуш медаль билан кифояланди.

Бронза медали учун бўлган курашда «Насаф»дан устун келган Тошкентнинг «Локомотив» футболчилари охириги турда «Шўртан»ни мағлуб этса, учинчи ўринни эгаллар эди. Темирийўлчилар бу вазифани ортиги билан уддалашди — 4:1.

Турнинг қолган ўйинларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Навбахор» 1:1, «Машъал» — «Бунёдкор» 0:2, «Андижон» — «Металлург» 4:3, «Нефтчи» — «Олмалик» 4:2, «Насаф» — «Динамо» 2:1.

Юртимизда футбол мавсумини кубок баҳслари якунлаб беради. 25 ноябрда ярим финал жавоб учрашувлари ўтказилди.

Унда «Пахтакор» ўз майдонида «Бунёдкор»ни қабул қилса, «Насаф» футболчилари «Бухоро» меҳмони бўлади.

Финал учрашуви 30 ноябрь кун Тошкентда бўлиб ўтади.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ

Тадбир

ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА

хизматлари ривожланмоқда

«ПОЙТАХТ» БИЗНЕС-МАРКАЗИДА ЎЗБЕКISTON САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ЎЗБЕКISTON ДАГИ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИНИНГ «ЎЗБЕКISTON БИЗНЕС-ФОРУМИ (2-ФАЗА)» ЛОЙИҲАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «ЎЗБЕКISTONДА ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация инфратузилмасини, курилишини жадал ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоғини мамлакатимиз ва худудлар иқтисодиётини истиқболли тараққий эттириш бўйича амалга оширилаётган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда янада ривожлантириш имконини бераётганини таъкидлаб ўтди.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, 2015-2020 йилларда республикамиз худудидида юк ташиш ҳажмининг ўсиши йилга 1 миллион тоннагача етиши мумкин. Шу боис транспорт ва логистика соҳасини тараққий эттиришга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратишмоқда.

Хусусан, 2015 йилга қадар умумий қиймати 85 миллиард АҚШ доллари миқдоридида инвестиция ўзлаштирилиб, яна кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада мамлакатимизнинг бар-

ча худудларини боғлайдиган, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқиш имконини берадиган янги йўللар босқичма-босқич курилади, мавжудлари қайта реконструкция қилинади. Бу, 150 километр янги темир йўл участкаларини куриш, 1030 километр бўлган мавжуд магистралларни модернизация ва реабилитация қилиш, 715 километр темир йўл электр узаткичларини электрификациялаш ҳамда транспорт паркинги янгилаш каби лардир.

Тадбирда «Навоий» транспорт ва логистика интермодаль маркази ҳамда «Ангрэн» транспорт ва логистика марказининг имкониятлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Шу билан бирга кунлик юк ташишга оид таклифлар эълон қилинади-ган ягона электрон маълумотлар базасининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.


Иштирокчилар, шунингдек, кичик бизнес учун транспорт-логистика хизматларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашишди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!



ҚАРШИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ШАҲАРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА



Қарши шаҳар ҳокимлигида ташаббускор, ташкилотчи ходимлар кўп. Шулардан бири ижтимоий-иқтисодий бўлим мутахассиси Райхоной Шодиева ҳикоя қилади:

— Ҳозир уч фарзанднинг онасиман, уларнинг эл-юртга нафи тегадиган инсон бўлиб камолга етишини истайман. Вақтли матбуотда бугун иқтидорли ёшлар ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилмоқда. Болаларимиз бугун янги мактаб, лицей ва коллежларда билим олишмоқда, касб-хунар ўрганишмоқда. Давлатимиз томонидан уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Мен бир она сифатида бундан фахрланаман.

— Қарши шаҳрини ободонлаштириш бўйича илк қадамлар ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмида қўйилган, — дея суҳбатга қўшилиди Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Зебо Жалилова. — Ушанда биз институтни битириб келган ёш архитекторлар эдик. Вилоятимизга раҳбарлик қилган Ислам Каримов ҳар бир меъморга кўнгил билан ишлаган, шароитга мос лойиҳалар тайёрлаш вазифаларини топширган. Шу таразда «Термопласт» заводи, «Исикчон» корхонаси қурилди. Айрим йирик корхоналар модернизация қилинди. «Матбуот уйи» ишга туширилди. Телевидение биноси қурилиши белгиланди. Шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бирин-кетин ишга туширила бошланди...

Шаҳар архитектури айтаганидек, бу тараққиёт ва ободончиликнинг биринчи тўлқини эди. Президентимизнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўриш туғрисидаги қарори асосида улкан ишлар амалга ошди. Бу шаҳар тарлақинининг иккинчи тўлқини эди.

Қутлуг тўй муносабати билан шаҳар тарихи тикланди. Ноёб тарихий обидлар — Одина, Кўк гўмбаз, Хўжа Абдуазиз Қиличбек, Бекмир, Шарофбой каби масжид ва мадрасалар, кўҳна кўприк, Сардоба, қадимги ҳаммом ва бошқа ёдгорликлар қайта таъмирланди. Янги йўللар барпо этилди. Болалар ва марказий истироҳат боғи обод қилинди. Бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, «Насаф», «Геолог» спорт мажмуалари, теннис корти, ёпиқ басейн, 20 минг ўринли замонавий стадион, Олимпия захиралари спорт кўли ва бошқа ўнлаб муҳим иншоотлар ишга туширилди. Шаҳарнинг бош майдонини оилани улуғлашга бағишлаб ўрнатилган ҳайкал «Эл-юрт таянич» деб номланди. Шаҳарнинг қутлуг тўйи тантаналарида иштирок этган 90 ёшли Маждид Хидиров: «Қарши шунчалик обод бўлибдики, бутунлай бошқа шаҳарга келиб қолгандек бўлдим», деганда.

Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, янгиланишлар, ўзгаришлар, ислохотлар бу давр талаби. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг 2011 йил 30 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этган Президентимиз Қарши шаҳридаги қурилиш, ободончилик масалаларига тўхтаб экан, жумладан, шаҳарнинг ўзбекистон, Насаф, Қорлибўғот каби проспектлари торлиги тўғрисида транспорт қатнови аҳоли учун ноқулайлик туғдираётганини айтиб ўтган эди.

— Мамлакатимиз раҳбари Қарши юртимиздаги энг гўзал ва обод масканлардан бирига айланишини алоҳида таъкидлади, — дейди архитектор Зебо Жалилова. — Ҳозир шаҳарда 250 минг-

дан ортқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Юртбошимизнинг тақдир ва маслаҳатлари билан «Ўзшаҳарсозлик» ЛИТИ томонидан 350-400 минг аҳолига мўлжалланган шаҳарнинг янги бош режаси тайёрланмоқда. Унга кўра, шаҳар Бешкент шаҳри томон кенгайиб боради. Айни пайтда бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Ўзбекистон, Насаф, Қорлибўғот кўчаларидаги эски бир қаватли уйлар, нотуражой объектлари инвентаризация қилинди. Аҳолининг хордиқ чиқариши учун Алишер Навоий номи ва болалар боғида ободончилик ишлари режаси тузиб чиқилган. Янги «Бахт уйи», улқашунослик музейи, бадий гимнастика заллари қуриш учун ер майдони ажратилди. Икки йил ичида ёш оилалар учун кўп қаватли 4 та 48 хонадонли уй қурилиш мўлжалланган бўлиб, ҳозир 2 тасининг қурилиши бошланган.

Архитектор Зебо Жалилова ҳамроҳлигида шаҳарни айланиб, бунёдкорлик ишлари билан танишдик. Мустақиллик шох кўчасининг Алишер Навоий ва Жайхун кўчаларига бўлган қисмида тунги ёриткич тизими тўлиқ алмаштирилибди. Кўча четлари обод. Биргина Ўзбекистон кўчасида 33 та объектда қурилиш давом этапти. Самара шундаки, Ўзбекистон кўчасида 3 та, Мустақиллик кўчасида 2 та, 6-кичи туманда 2 та 4 ва 5 қаватли уйлар қурилиб, 206 та оила кўчиб кириши учун тайёргарлик кетмоқда. Бундан ташқари, 4 қаватли янги поликлиника, нош ишлаб чиқарувчи мини-завод, 50 ўринли кафе, банк биноси, 2 та супермаркет, 10 та спорт майдончаси қурилиши аяқуналиб бормоқда.

Шунингдек, шаҳарда 30 гектар майдонда кўркам лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уйлар барпо қилинган. Шайхали мавзёида 15 гектар жойда янги маҳалла вужудга келди. Қудратли корхоналар — «Шўртаннефтьгаз» мажмуи, «Шўртаннефтьгаз» УШК ҳам шаҳарда турар-жойлар қурилишини бошлаб юборган.

Қарши шаҳри вилоятнинг саноат марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда пахта тозалаш, ип-калага, истеъмол ёғи ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар мавжуд. Келгуси йили яна бир керамик плитка, кафель, итоллогранит ишлаб чиқарадиган йирик кўшма корхона, автомобильларга газ қўядиган 2 та шохобча қурилиши бошланади.

Юртбошимиз вилоят кенгаши сессиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бора-бора қимматли маслаҳатлар берди. У киши экологик жиҳатдан зарари бўлган айрим корхоналарни босқичма-босқич шаҳар ташқарисига чиқариш, шунингдек, Ўзбекистон, Насаф, Қорлибўғот ва Амир Темур кўчаларида қуриладиган кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштириш вазифасини қўйди.

Бу тақдирлар шаҳарнинг бош лойиҳасида акс эттирилмоқда ва амалга оширилмоқда. Масалан, Насаф ва Қорлибўғот кўчаларида биринчи қавати савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасига мослаштирилган уйларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Зарипжон Зоиров шундай дейди: — Шаҳримизнинг обод бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Бугунги кунда тадбиркорларга кенг йўл очилган. Улар савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари бунёд этишмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Ҳозир шаҳарда 4,5 мингга яқин кичик бизнес корхоналари фаолият юритапти ва уларда 74

минг киши меҳнат қилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 251 та янги кичик корхона ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, 210 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Шу боис бугунги кунга келиб, кичик бизнеснинг улushi саноатда 63 фоиз, қурилишда 68 фоиз, пуллик хизмат кўрсатишда 67 фоиз, йўловчи ташвишда эса 82 фоиздан ошмоқда.

— Ўтган йили банкдан кредит олиб, 44 ўринли замонавий меҳмонхона қурдик, — дейди «Ёшлик» хусусий меҳмонхонаси иш бошқарувчиси Равшан Санаев. — Шаҳримизга кўплаб сайёҳлар, спортчилар ташриф буюришганда, бизнинг меҳмонхонага ҳам кўнишди. — Мен ёшлигимдан автомобилларни таъмирловчи уста бўлишни орзу қилганман, — дейди Баҳодир Кўзиев. — Анча йил шу соҳада ишладим. 2010 йилда автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасини қуриб, ишга туширдик. Ҳозир бу ерда 32 киши меҳнат қилаяпти. Барча турдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатамиз. Келгусида ишимизни янада кенгайтирмоқчимиз...


Қаршиликлар қадимдан боғ яратиш, турфа неъматлар етиштириб келишган. Шунинг учун ҳам Мустақиллик йилларида шаҳар «боғ ичидаги боғ» дея таърифлана бошланди.

— Мен етти йил «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимига раҳбарлик қилганман, — дейди ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Рашид Муртозаев. — Шу тўғрисида шаҳримизнинг имкониятлари, айрим муаммоларидан яхши хабардорман. Масалан, шаҳарда 46 минг хонадон бўлса, улардан 24 мингтаси томоғага эга. Улар фойдаланаётган ер майдони эса 395 гектардан ошди. 2010 йил март ойида халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашининг XVII сессиясида томоғаларда мева, сабзавот, қўқат етиштириш ва ички бозорни тўлдириш масаласи муҳокама этилди.

Биз шаҳарнинг Арал маҳалласидаги Ғофур Муродов хонадонини бўлдиқ. Уй соҳиблари 7 сотих жойда пиёз, турли қўқатлар кўчатиришибди. Бозорга чиқарилган маҳсулотлари орқасидан 3,5 миллион сўм қўшимча даромад олишибди. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойгул Рустамова соҳибдор ўғлини оилаларни тилга олади. Шаҳарнинг Худойзод, Отчопар, Самарқанд, Роғузар, Махтумқули, Гулшан, Батож ва бошқа маҳаллаларида ҳам томоғқа хўжалиқдан самарали фойдаланилмоқда. Айни пайтда 150 хонадонда иссиқхона ташкил этилган.

— Шаҳримизнинг боғу роғларга бурканишига биз ҳам ҳисса қўшяпмиз, — дейди Қарши шаҳар кўчаламзорлаштириш бўлими бошлиғи Илҳом Худойназаров. — Жами 31 гектар ер майдонимиз бўлиб, арча ва бошқа манзарали дархат кўчатларини тўлиқ ўзимиз етиштиряпмиз. Бундан ташқари, 5 гектар жойга ўрик, яна 5 гектар ерда бошқа мевали дархатларни парвариш қилаяпмиз. Аммо асосий ишимиз шаҳарни кўчаламзорлаштириш, дархатлар ўстириш. Бу бош режага асосан олиб борилаёпти. Масалан, 87 гектар ерда яшил майдон барпо этилган. Арча, каштан дархатлари яхши ўсапти. Бу йил 47 минг туп япон сафурасини экиб, парвариш қилаяпмиз.

Қарши шаҳрида бу йил 1,3 миллион тупга яқин манзарали ва мевали дархат кўчатлари экилган. Бу хайрли ишда корхоналар, ташкилотлар катта ҳисса қўшишмоқда. Ёзда ҳарорат баланд бўладиган шаҳар иқлимни юмшатиш,



шунингдек, боғу роғлар тақдирини сувга боғлиқ. Очиғи, шаҳарда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш борасида анча ишлар қилинди. Қувурлар янгиланди. Шаҳарга суви 125 километр чўзилган магистрал қувурлар орқали «Сувқова» вилоят корхонасига қарали Шаҳрисабз сув ишлаб чиқариш филиали узатади. Ҳар суткада шаҳар аҳолисига 100 минг кубометр обихаёт етказиб берилмоқда.

Шаҳарнинг истиқболини уйлаган Президентимиз вилоят сессиясида яна бир ҳаётий масалани — Қарши магистрал қанали, Айрум ва Чап қирғоқ каналлари суви ҳисобидан шаҳар худудини суғориш тизимини яратиш вазифасини ўртага қўйди. Ўтмишдаги хатолардан бири шундаки, шаҳар боғлари, томоғқаларини суғоришга етарли эътибор берилмаган. Шаҳар суғориш тармоқлари бўлими бошлиғи Пирмуҳаммад Шойматовнинг айтишича, янги лойиҳалар амалга ошмоқда. Ҳадемай, боғ-роғларга керакли миқдордаги сув тўлиб-тошиб оқа бошлайди...

Қарши шаҳри бугун дунё нигоҳида. Меҳмонлар, сайёҳлар мунтазам ташриф буюришмоқда. «Мароқанд — Қарши», «Қарши — Термиз» темир йўллари қурилишида қатнашиш учун Япониядан келган мутахассис Тобита Хиротага шаҳарни кезиб, уни қўлғусайтоққа, дея таърифлади.

Қадимдан анли яхши бозор, яхши нақл бор. Бугунги кунга келиб Қарши шаҳри мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўта-диган тури спорт мусобақаларига мезбонлик қилмоқда. Бугина эмас, кўҳна ва навқирон шаҳар доврўғини дунёга таратадиган машҳур спортчилар етишиб чиқмоқда. Қўйдаги мисоллар эса фикримиз далили бўла олади. Шаҳарда нафақат миллий кураш, балки спортнинг ўнлаб турлари бўйича мамлакат чемпионлари бор. Жаҳон, Осиё мусобақаларида шохсўпага кўтарилган моҳир спортчилар анчагина. Биргина аёлларнинг «Севинч» футбол жамоаси кўп қарра мамлакат чемпиони бўлди, Осиёга донг таратди.

«Насаф» жамоаси ҳам кўтиямизга яхши таниш.

Қайси соҳада бўлмасин, Қаршидан кўплаб ибратли мисолларни келтириш мумкин.

Қадим ва навқирон Қарши шаҳрининг чинакам обод бўлгани, агар таъбир жоиз бўлса, толеи тўли ойдек балққан рости. Бугун Қарши қутлуг ўтмиши, юксак тараққиёти билан келажакка пешвоз чиқаяпти.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

ДЎСТ ХОТИРАСИ

Қадрдон дўстимиз ва сафдошимиз Ойдин Алибекович Азимбеков узоқ давом этган оғир хасталиқдан сўнг 80 ёшида вафот этди.

О.Азимбеков узоқ йиллар Ўзбекистонда яшади ва меҳнат қилди. 1957 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаб, ишлаб чиқариш соҳасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида масъул лавозимларда меҳнат қилди, автомобиль транспорти вазири лавозимида ишлади.

1996-2004 йилларда Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси вазифасида хизмат қилди.

Ойдин Алибекович Азимбеков катта ҳаётий тажрибаси, одамларга гўлхўрлиги билан Ўзбекистон жамоатчилиги орасида обрў-эътибор қозонган эди. Ажойиб инсон О.Азимбеков хотираси дўстлари ва уни билган кишилар қалбида доимо сақланиб қолади.

Ўзбекистондаги озарбойжон маданият маркази республика бошқаруви



ХОРИЖ

ДАВЛАТ МАҚОМИ ОЛИШ

масаласини овозга қўймоқчи

Фаластин мухторияти етакчиси Махмуд Аббос баёнот бердики, Фаластинга давлат мақоми бериш юзасидан 29 ноябрь кун БМТда овоз бериш масаласини қўяди.



га умуман қарши эканликларини билдирдилар.

Эслатиб ўтаёмиз: 2011 йилда ҳам Фаластин маъмурияти мухториятни БМТга аъзоликка қабул қилиш ва унга давлат мақоми бериш юзасидан БМТ

«Reuters» АА хабар беришича, мухторият етакчиси мазкур масала бўйича БМТга аъзо давлатлар томонидан етарлича овоз олишига ишонч билдирмоқда. Аммо АҚШ ва Исроил маъмуриятлари ушбу масаланинг овозга қўйилиши-

Хавфсизлик Кенгашига расмий ариза билан мурожаат этган. Ушанда Хавфсизлик Кенгаши аъзолари мазкур ариза юзасидан бир тўхтамага келиш олмаганди. Шу боис БМТ Бош ассамблеясида бу масала қўриб чиқилмаган.

ЭЛЧИЛАР

Парагвайга қайтмоқда

Жанубий Америка мамлакатларининг Парагвайга нисбатан ёзда эълон қилган сиёсий қамали аста-секин барҳам топмоқда.

Гап шундаки, Парагвай президентлигига сайланган Фернандо Лугога нисбатан жорий йилнинг 22 июнида парламент томонидан импичмент эълон қилиниб, вазифасидан четлатилган, (мамлакат бошқаруви вақтинча вице-президент Федерико Франко қўлга ўтган), Жанубий Америка мамлакатлари Парагвайдан ўз элчиларини чақириб олган ва мамлакатни Жанубий Америка савдо-иқтисодий уюшмасига аъзолликдан чиқарган эди. Бу қарорни 12 та давлатни ўзида бирлаштирган Жанубий Америка миллатлари иттифоқи ҳам қўллаб-қувват-



лозим эди. Бироқ Федерико Франко халқ хохишига кўра, сайланажак янги давлат раҳбарига бошқарувни топширишга тайёр эканлигини билдирган, Чили ва Колумбия ўз элчиларини яқин кунларда Парагвайга қайтаришини эълон қилди.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, худуддаги бошқа давлатлар ҳам Парагвайдаги элчионаларни фаолияти тикланиши ҳақида фикр билдирганлар.

30 МИЛЛАРД ДОЛЛАР

миқдориди молиявий қўмак олмоқчи

Нью-Йорк штати губернатори Эндрю Куомо октябр ойи охирида юз берган бузғунчи «Сэнди» тўфони оқибатларини бартараф этиш учун АҚШ федерал маъмуриятдан 30 миллиард доллар миқдориди молиявий қўмак сўраши ҳақида баён қилди.



идоралари вакиллари ва қутқарувчиларга белгиланган иш вақтидан ташқари қўшимча ишларни бажаргани учун тўловга йўналтирилади. Яна бир неча миллиард доллар тўфон тўғрисида бизнеси тўхтаб қолган ишбилармонларга давлат томонидан кредит ажратиш ва шу орқали фаолиятини қайта тик-

«The New York Times» газетаси штатда улкан қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш зарурати юзага келганлиги ҳақида хабар босган. Жумладан, губернатор ёрдамчиси айтишича, 3,5 миллиард доллар кўприкларни, тунел ва метрополитенни таъмирлаш учун, 1,65 миллиард доллар эса бузилган кўчма мулкларни тиклаш учун, 1 миллиард доллар миқдориди маблағ полиция, ёнгина қарши кураш

Мегаполис шаҳар ҳисобланмиш Нью-Йоркда эса ёнилги етишмаётгани сабабли шаҳар мэри Майкл Блумберг томонидан чеклов жорий этилди. Унга кўра, дейилди «Reuters» АА таркатган хабарда, жуфт рақамли автомобиль эгалари жуфт кунлари, тоқ рақамли учун, 1,65 миллиард доллар эса тоқ кунлари автомобилларини «заправка» қилиш ҳуқуқига эга. Бу тартибни назорат қилиш полиция зиммасига юкланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ТОШКЕНТ – ШОҲМОТ ДУНЁСИНИНГ ПОЙТАХТИ

ХАЛҚАРО ШОҲМОТ ФЕДЕРАЦИЯСИ (FIDE) ТАСАРРУФИДАГИ ГРАН ПРИ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЖУМЛАИ ЖАҲОН КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ҚУЗАТИБ БОРАДИ. ҲАМЮРТИМИЗ, 17-ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ВА ЗАМОНАМИЗНИНГ ЕТУҚ 11 НАФАР ГРОССМЕЙСТЕРИ ИШТИРОКИДАГИ ТОШКЕНТ ГРАН ПРИ МУСОБАҚАСИ ҲАҚИДАГИ РЕПОРТАЖЛАРИНИНГ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ДУНЁНИНГ 170 ДАН Ортиқ мамлакатига тўғридан-тўғри узатилиши бунинг ёрқин исботидир. ҲА, ЖОНАЖОН ТОШКЕНТИМИЗ ЖАҲОННИНГ МАШҲУР ПОЙТАХТ ШАҲАРЛАРИ — ЛОНДОН, ПАРИЖ, МАДРИД, БЕРЛИН, ЛИССАБОН ҚАТОРИДА АНА ШУНДАЙ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗАЯПТИ.

Олти босқичдан иборат FIDE Гран при мусобақасининг дастлабкиси Лондонда ташкил қилинди. Агар шохмот тарихига назар ташласак, Европадаги илк халқаро мусобақа айнан Лондонда 1851 йилда ўтказилган.

Аму-Сир дарёлари оралиғида жойлашган мамлакатда шундай илк халқаро мусобақа 819 йилда ўтказилган ва унда ватандошимиз Ас-Сулийи галаба қозонган. Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари шохмот(шатранж) ривожига муҳим ўрин эгаллаган. 1972 йилда Сурхондарё вилояти худудидаги Далварзинтепада олиб борилган археологик қазилмалар вақтида қушон дари(1-2-асрлар)га оид чатуранга доналари топилди. 1977 йилда Афросиёб (Самарқанд атрофи)да ўтказилган археологик изланишлар чоғида 7-8-асрларга оид еттита шатранж донаси топилгани бу ўйин бизнинг заминимизда чуқур илдири отганидан дарак беради. Чиндан ҳам 9-аср бошидаги энг кучли шатранжчилар — Зайраб Катай, Абу Наим ал-Ходимий, Абу Бакр ас-Сулийи Ўрта Осиёда туғилган. Кўплаб шатранж ҳақидаги ривоятларга қаҳрамон бўлиб кирган Абдулфараж Лайлож(976 йилда вафот этган)га Ас-Сулийи устозлик қилган.

Аслида шохмот ўйинининг келиб чиқиши қадимда Хиндистонда тўрт киши шашол билан ўйнаган чатурангага бориб тақалади. Бу қадимий ўйиннинг моҳияти рақиб шохмоти мот қилишдан иборат. Маълумки, чатурангада шашол ташланганда олти холли томон

тушса шох, беш холли томон тушса фарзин юрилган ва ҳоказо. Бу ўйинчиларнинг вазиятга қараб яхши юриш қилишларини чеклаган. Айнан Ўрта Осиёда чатуранганин инсон тафаккурини жиловлаб турган шашхалидан воз кечилган.

Бағдодда 9-10-асрларда кучли шатранжчилар ўртасида мунтазам равишда мусобақалар уюштирилиб турилган. Уларда ўз даврининг кучли шатранжчилари бўлган Ас-Сулийи, Аз-Розий, Ал-Адлийи голиб чиқишган. Бундан ташқари, араблар ўйин ёзувида асос солишган. Ана шу ёзувлар тўғрисида кўплаб тарихий ўйинлар матни сақланиб қолган. Кейинчалик ўйинда «табия» («дебют»), «мансуба» («миттельшпиль») каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши шатранжни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Шатранжчилар билим ва маҳоратига қараб саралана борди. Энг кучли шатранжчилар олия(гроссмейстер) дея номланган.

Буюк аллома Абу Райхон Берунийи (973-1050) Ҳиндистон сафари чоғида чатурангани тўрт киши ўйнаётганини кўриб, ҳайрон қолган экан. Ахир, у Хоразмда доим икки киши ўйнайдиган шатранжни кўрганди-да. Шундан кейин Беруний шатранж ҳақида китоб ёзган. Бу китоб бизгача етиб келмаган. Шатранж назариясига оид энг қимматли қадимий китоб — 300 дан ортиқ мансубалар киритилган Абулфатҳ Аҳмад ас-Сижзийи(12-аср)нинг «Шатранж китоби» саналади. Унга Ас-

Сулийи, Ал-Ходимийи каби олияларнинг тузган мансубалари ҳам киритилган.

Улуғ давлат арбоби ва саркарда Амир Темур(1336-1405) даврида кучли шатранжчилар яна Ўрта Осиёда — Самарқандда тўпланишган. Ўша даврнинг кучли шатранжчиси Оловоддин ат-Термизийи(15-16-асрлар) Самарқандга келиб, Али аш-Шатранжийи номи билан шуҳрат қозонган. У Амир Темур уюштирган эътиборли мусобақаларда голиб чиққан. Аш-Шатранжийи бу қадимий ўйин ҳақида китоб ёзиб, унга ўзи тузган 19 та мансубани ва ўша давр олияларининг сара мансубаларини жамлаган. Амир Темур бобомиз шатранжни меҳр билан ўйнаган. Ҳатто оддий шатранж ўйинидан қаноат ҳосил қилмай Али аш-Шатранжийи билан мураккаб саналган шатранжи кабирда(унда 128 каттак ва 64 та дона бўлган) куч синашган.

Шохмотнинг Шарқда пайдо бўлгани ва унинг тараққиётига Ўрта Осиё халқлари катта хисса қўшгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. 1882 йилда Тошкентда биринчи шохмот тўғрисида кўлланима китобча нашрдан чиқарилди. 1892 йилда телеграф орқали Тошкент — Алматы шаҳарлари шохмотчилари ўртасида учрашув ташкил қилинди ва ўйин дуранг билан якунланди. Ўша йили Самарқандда чиқарилган газетда шохмот руқни очилди.

1920 йилда Тошкентда шохмот бўйича йирик мусобақа ўтказилди. Бу юртимизда кўплаб шохмот мусобақалари уюштирилишига туртки берди. 1924 йил 24 июлда Парижда Халқаро шохмот федерацияси(FIDE) тузилиб, шохмотнинг ягона қонун-қоидаси қабул қилинди. Шу муносабат билан 1925 йилда Тошкентда уч босқичли шохмот университети ташкил этилди. Университетнинг асосий вазифаси шохмотнинг замонавий қоидаларини кенг тарғиб этиш ва қадимий ўйинни янада оммалаштириш эди.

Юртимиз шохмот жонкуярлари ҳақида гап кетганда, Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони(1930 йилда) Азмиддин Хўжаев(1892-1946)ни эслаши-



миз лозим. У шохмотга боғлиқ барча ташкилотчилик ишларида етакчилик қилди: тўғарақлар очди, йиғилишлар, мусобақалар ўтказди. Хуллас, юртимизда шохмотчиларнинг янги авлоди бўй кўрсатиши учун умрини бағишлади.

Ўзбекистон шохмот тараққиётининг кейинги даврини Мамажон Муҳиддинов(1927-2002)сиз тасаввур этиб бўлмайдисиз. У тўрт бор Ўзбекистон чемпиони, республикада хизмат қўраётган мураббий, халқаро тоифадаги ҳакам унвонларига эришди, шохмот тарихига оид номзодлик диссертациясини ёқлади, сеҳрли ўйинга бағишланган беш мингдан зиёд мақола, эълликка яқин китоб ёзди. Шу билан бирга, 40 йилдан ортиқ даврда Республика шохмот федерациясини бошқарди, юртимизда юзлаб мусобақаларни уюштирди. Айнан унинг кўлаб-қувватлашлари тўғрисида Георгий Аъзамов (1954-1986) Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, халқаро гроссмейстер унвонига эришди.

Биз Ўзбекистонимизни қудратли шохмот мамлакатлари қаторида кўришни оруз қилиб яшадик. Оруларимиз мустақиллик йилларида рўёбга чиқди. 1992 йил Манилада

ўтказилган 30-Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида илк бор қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси фахрли иккинчи ўриндан жой олди. 1994 йилда ёш иқтидорли шохмотчимиз Рустам Қосимжонов Осиё биринчилигида галаба қозонди, жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритди. 1996 йилда Ереванда уюштирилган Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида Сайдали Йўлдошев учинчи тахтада олтин медаль билан тақдирланди ва халқаро гроссмейстер унвонига муносиб кўрилди. 1997 йилда Рустам ҳам халқаро гроссмейстер талабини бажарди ва у 1998 йилда илк бор ўтказилган Осиё чемпионатида голиб чиқди. 1999 йилда Ўзбекистон шохмот терма жамоаси Осиё чемпиони бўлди...

2000 йилда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида Юртбошимиз томонидан уч босқичли тизимга — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларига асос солинди. Уларга шохмот мусобақаларининг киритилгани қадимий ўйинни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш имкониятини кенгайтирди.

2004 йил 13 июль! Ливия пойтахти

Триполида ўтган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов 17-жаҳон чемпиони деб эълон қилинди. Ўша кун жуда катта интеллектуал салоҳият, ирода ва жасорат талаб қиладиган шохмот ўйинида ўзининг зафар қучган фарзанди билан бирга бутун ўзбек халқи, бутун Ўзбекистон дунё шохсувасига кўтарилди. Спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган бу галабаси учун Рустам Қосимжонов Президентимиз Фармонига кўра, Ватанимизнинг олий мукофоти — «Амур Темур» ордени билан тақдирланди.

2011 йил 27 март куни Тошкентда амалдаги жаҳон чемпиони, хиндистонлик Вишванатан Ананд ва ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўртасидаги баҳс мамлакатимиз ҳамда жаҳон шохмот муҳлисларида катта қизиқиш уйғотди. Баҳсининг эртаси куни Ананд ёш шохмотчиларимизга маҳорат дарсларини ўтказди. Ананд ёшларимизнинг иқтидорига юксак баҳо берди: «Мен бўлгуси жаҳон чемпионлари билан ўйнайдим».

Дарҳақиқат, йил охирида фарғоналик Гулруҳбегим Тохиржонова 12 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалига эғалик қилди. Унинг ораси Нафиса Мўминова шу йил 14 март куни халқаро гроссмейстер талабини бажарди. Куни кеча эса Словенияда ўтган жаҳон чемпионатида Нодирбек Абдусатторов (8 ёш) олтин медални қўлга киритди. Энди Тошкентда шохмот бўйича икки нафар жаҳон чемпиони бор: Рустам Қосимжонов ва Нодирбек Абдусатторов!

Бугун дунёдаги интеллектуал ўйин — шохмот муҳлисларининг нигоҳи Тошкентга қаратилган. Бугун қадимий ва ҳаммиса навақирон Тошкентимиз шохмот дунёсининг пойтахти. Амалдаги жаҳон чемпионига қарши ўйнаш ҳуқуқини берувчи мусобақалардан бири бўлган Тошкент Гран приси ҳам мамлакатимизда шохмотни ривожлантиришга, шохмотчиларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилади.

Асрор МҮМИН

Реклама



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қўйидаги қорхоналар устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:

Т/р	Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури	Қорхона жойлашган манзил	Сотув-га қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошлангич баҳодан	Бошлангич баҳоси сўм ёки АҚШ долларлари	
					сўм	АҚШ dollari
1	"KESHMARBLE" МЧЖдаги улуш	Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Нажим Нугаев кўчаси, 11-уй	100 %	1 %	2 016 633 000	1 093 915,38
2	"GAZALKENT STONE" МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1.	100 %	1 %	5 380 000 000	2 918 361,81

Оферта савдосида иштирок этиш истагидидаги талабдорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги ҳисоб-рақамига тўлайдилар: ҳ/р: 2980100000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ dollari)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 21 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 24 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади.

Таклифларни очиб вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабдор оферта голиби деб топилди. Тўловларни амалга ошириш тартиби:

Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг қамиди 15% миқдорда, қолган қисми — олдинсоти шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хоржий валютада (ёки унинг эквивалентда) бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ dollari учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 101-уй. Тел: (8-371)234-11-22; 234-15-60. Факс:(8-371)234-43-31. www.nbu.com.

STANDARD & POOR'S

Халқаро рейтинг агентлиги

2012 йилнинг ноябрида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредит рейтингларини ТАСДИҚЛАДИ.

Узоқ муддатли рейтинг «В+»
Қисқа муддатли рейтинг «В»

Истиқболи:
«БАРҚАРОР».

ОБ-ҲАВО 22-23 – 11. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-2 / -7 +2 / +7

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-5 / -10 0 / +5

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

0 / -5 +3 / +8

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

-3 / +2 +7 / +12

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

0 / +5 +3 / +8

Тошкент шаҳри

-3 / -5 +6 / +8

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +5 / +4

Париж +8 / +6

Москва +3 / +2

Мадрид +8 / +6

Пекин +8 / +6

Канберра -2 / -3

Рим +10 / +9

Афина +10 / +9

Токио +16 / +14

Стокгольм +2 / +3

Кейптаун +12 / +11

Қоҳира +18 / +16

Гавана +23 / +23

Вашингтон +3 / +5

В связи с реорганизацией дочернее предприятие «ASIA ONLINE» сообщает об изменении прежнего юридического статуса на новый — общество с ограниченной ответственностью и регистрацией по новому адресу: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул. Усмана Насира, дом 12.

Газетанинг навбатдаги сони 27 ноябрь, сешанба куни чиқади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koriyabiyat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146 9519 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 22.00 Topshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Erkin XOLBOBOYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5